

- 3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;
- 3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.
- 3.3.3. Буюртмачи Лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойиҳа Буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади.
- 3.3.4. Агар Буюртмачи Лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик Лойиҳада шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойиҳани қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин қачиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топширик ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар қийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижрочидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошқора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойиҳалашга топширик ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огоҳлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиш. Буюртмачини ўз вақтида огоҳлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўқач қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шахарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойиҳани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойиҳа ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ миқдорда камайтириш;

- Ижрочи Лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий зарарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий зарарлар қопланишини Ижрочидан талаб қилиш.

- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха ҳужжатларига қушимча иш ҳажмлари ва харажатлар аниқланган тақдирда «Ўздавархитектқурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруғи билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қўйилади.

4.4. Ижрочи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма руҳсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

5. Томонлар жавобгарлиги.

5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан қабул қилингандан кейин Ижрочи қафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг зарарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қўйидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;

5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштирмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва зарарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шarti билан, биринчи томон иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматидан 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошқора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошқора қилмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак.

7. Шартномани ўзгартириш ва тугатиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси кўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.

7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

8. Низоларни ҳал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, кўзғолонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъқиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Ҳазначилик бошқармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БУЮРТМАЧИ:

**Жиззах вилоят ҳокимлиги Ягона
буюртмачи хизмати инжиниринг
компанияси.**

Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.

Тел./факс 222-46-40, 222-29-96

шх: 304521860084017045129118467

ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000

Жиззах вилоят Ҳазначилик бошқармаси

ЯҒҲ **23402000300100001010**

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент
шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса
маркази (ХККМ)

МФҚ: 00014 ИНН: 201122919



_____ **Хасанов Х.**

ИЖРОЧИ:

«JIZZAXYO'LLOYINA»

масъулияти чекланган жамияти

Жиззах ш. Маданият маҳалласи

Пахтакор кучаси 9 уй

Тел. 91 598-16-61

Х/р: 20208000104059289001

АЖ "Асака банк"

Жиззах филиали

МФҚ: 00140 ИНН: 203294197

ОКЭД 71110



_____ **У.Отабобоев**

ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида"ги Қонунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги қонунчилик талабларига мослигини беради.

Ҳукукий экспертиза натижасига қура қуйдагилар аниқланди:

1. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Тақдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган ҳар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 686-708-моддалари ҳамда "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида"ги Қонуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида"ги Қонуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Жиззах вилоят ҳокимлиги ЯБХ

_____ **О.Очилов**

_____ **О.Очилов**

Адвокатское бюро «ALBINA NADEJDA»
Адвокат А.Н. Скорнякова
лицензия, удостоверение
№ 000053

_____ **А.Н.Скорнякова**

_____ **М.Алиев**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах вилояти ҳокимлиги

“Ягона буюртмачи хизмати” ИК

бош муҳандиси



А.Сарибоев

2022 йил

**Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг
компаниясида ўтказилган танлов комиссияси аъзолари йиғилиш
БАЁНИ № 15**

2022 йил “25 ” июль

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компаниясининг 2021 йил 01 февралдаги №10-сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда,

ҚАТНАШДИЛАР:

А.Сарибоев - Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси бош муҳандиси, комиссия раиси;

Комиссия аъзолари:

А.Субханов - Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник қузатиш бўлими бошлиғи;

О.Очилов - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи;

А.Тўхташев - Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи;

Ф.Зулфиқоров - Ҳисоб-китоб бўлими мутахассиси

М.Алиев - Бирламчи руҳсат берувчи, лойиҳа ҳужжатлари ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, комиссия котиби;

Кун тартиби:

Жиззах вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги ПҚ-249-сонли “Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Манзилли дастури”га киритилган объектлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган харид қилиш комиссиясининг танлов баённомалари асосида тузиладиган шартномаларнинг Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли қонуни 62-моддаси талабларига мувофиқтузилишини таъминлаш.

2022 йил 20-21 июлда “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали ўтказилган қуйидаги 59 та объект бўйича харид қилиш комиссиясининг танлов савдолари натижалари тўғрисида баённомалари расмийлаштирилган;

№	Объектнинг номи	ЛОТ рақами	Ғолиб лойиҳа ташкилоти	Ғолиб таклиф этган нарх
1	Жиззах вилояти Бахмал тумани “Темирқадам” МФЙ Оққўрғон қишлоғи 1-кўчасида 0,8 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111541	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	1 000 571
2	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри “Заргарлик” МФЙ ички кўчаларини 2,3 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№112446	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	34 750 000
3	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри “Зилол” МФЙ Юксалиш кўчасини 0,8 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№112465	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	12 714 000
4	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри “Зилол” МФЙ Янгиобод кўчасини 0,8 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№112473	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	12 714 000
5	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри “Олмазор” МФЙ С.Рахимов кўчасини 0,7 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№112513	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	11 237 000
6	Жиззах вилояти Жиззах шаҳри “Сайилжойи” МФЙ Гулзор боши берк кўчасини 0,8 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№112491	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	12 714 000
7	Жиззах вилояти Зарбдор тумани “Лалмикор” МФЙ Оқбуйра кўчасини 1,1 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111608	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	17 144 000
8	Жиззах вилояти Зарбдор тумани “Лалмикор” МФЙ Сутбулоқ қишлоғи кўчаларини 1,0 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111644	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	14 298 000
9	Жиззах вилояти Зарбдор тумани “Нуробод” МФЙ Тадбиркорлар кўчаси 0,6 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111670	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	10 109 000
10	Жиззах вилояти Зарбдор тумани “Шарк Юлдузи” МФЙ ипакчи кўчаси 0,6 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111665	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	9 757 000
11	Жиззах вилояти Зарбдор тумани “Шодлик” МФЙ Сувчилар кўчаси 1,0 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111662	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	15 677 000
12	Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Бўстон” МФЙ Шодлик кўчасини 0,6 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111688	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	9 759 000
13	Жиззах вилояти Зомин тумани “Навбахор” МФЙ Бедапоя кўчаси 2,0 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111713	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	30 434 000
14	Жиззах вилояти Зомин тумани “Чилонзор” МФЙ Бешжуз қишлоғи 3,0 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111699	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	37 814 000
15	Жиззах вилояти Зомин тумани “Ширин” ҚФЙ Ширин кўчаси 1,0 км цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш	№111703	“Jizzaxyo`lloyiha” МЧЖ	15 662 000

16	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Истиқлол” МФЙ Усмон Носир кўчаси 0,6 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111593	“Jizzaxyo`lloyiha ” МЧЖ	9 759 000
17	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Пастки Сўлоқли” МФЙ Маданият кўчаси 0,6 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111579	“Jizzaxyo`lloyiha ” МЧЖ	9 759 000
18	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Пастки Сўлоқли” МФЙ Пахтакор кўчаси 0,6 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111585	“Jizzaxyo`lloyiha ” МЧЖ	9 759 000
19	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Пастки Сўлоқли” МФЙ Темирийўлчилар кўчаси 0,6 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111578	“Jizzaxyo`lloyiha ” МЧЖ	9 759 000
20	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Саройлик” МФЙ Ипакйўлик кўчаси 0,6 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111587	“Jizzaxyo`lloyiha ” МЧЖ	9 759 000
21	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Суғдиёна” МФЙ Ат-Термизий кўчаси 0,5 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111590	“Jizzaxyo`lloyiha ” МЧЖ	8 282 000
22	Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани “Ғазғонтепа” ҚФЙ А.Навоий ва Бобур кўчаларини 0,6 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111594	“Jizzaxyo`lloyiha ” МЧЖ	9 759 000
23	Жиззах вилояти Арнасой тумани “Ғ.Фуллом” МФЙ Боғзор кўчасини 1,5 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111623	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	18 000 000
24	Жиззах вилояти Арнасой тумани “Ғ.Фуллом” МФЙ Ғ.Фуллом кўчасини 1,2 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111613	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	14 000 000
25	Жиззах вилояти Бахмал тумани Нурафшон М ФЙ Тойпоқсой қишлоғи 35-кўчасида 0,5 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111550	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	5 500 000
26	Жиззах вилояти Бахмал тумани “Нурафшон” МФЙ Тонготар-3 (Тожиқ) қишлоғи 7- кўчасини 0,7 км цемент- бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111634	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	7 100 000
27	Жиззах вилояти Бахмал тумани Нурафшон МФЙ Тонготар-4 (Кўчим) қишлоғи 25- кўчасида 0,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111535	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	5 500 000
28	Жиззах вилояти Бахмал тумани Нурафшон МФЙ Тонготар-4 (Кўчим) қишлоғи 33- кўчасида 0,7 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111547	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	7 700 000
29	Жиззах вилояти Бахмал тумани Тонготар МФЙ Калтасой қишлоғи 22-кўчасида 0,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111510	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	5 500 000
30	Жиззах вилояти Бахмал тумани Тонготар МФЙ Ўрай қишлоғи 24-кўчасида 1,1 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111532	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	19 375 000
31	Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Самарқанд” МФЙ Самарқанд кўчасини 1,6 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111693	"Megatekinjiniring g" МЧЖ	17 100 000

32	Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Узун” МФЙ Ал-Бухорий кўчасини 1,0 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111682	"Megatekinjiniring" МЧЖ	12 100 000
33	Жиззах вилояти Зафаробод тумани “Узун” МФЙ Қўшробод кўчасини 1,0 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111677	"Megatekinjiniring" МЧЖ	12 100 000
34	Жиззах вилояти Фориш тумани “Кўлба” МФЙ Кўлба кўчаси 1,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№112304	"Megatekinjiniring" МЧЖ	13 000 000
35	Жиззах вилояти Фориш тумани “Оқтепа” МФЙ Пастки Тўқай кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№112283	"Megatekinjiniring" МЧЖ	4 500 000
36	Жиззах вилояти Фориш тумани “Хонбанди” МФЙ Йўлдош кўчаси 3,0 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№112258	"Megatekinjiniring" МЧЖ	25 000 000
37	Жиззах вилояти Фориш тумани “Хонбанди” МФЙ Мевазор кўчаси 1,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№112270	"Megatekinjiniring" МЧЖ	12 250 000
38	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани “Ғўбдин” ҚФЙ Гумсой кўчаси 1,0 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111573	"Megatekinjiniring" МЧЖ	10 000 000
39	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани “Ғўбдин” ҚФЙ Хўжақобут кўчаси 1,0 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111574	"Megatekinjiniring" МЧЖ	10 000 000
40	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани “Ғўбдин” ҚФЙ Чақабулоқ кўчаси 1,0 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111570	"Megatekinjiniring" МЧЖ	10 000 000
41	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани “Ғўбдин” ҚФЙ Ғўбдин кўчаси 1,0 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111567	"Megatekinjiniring" МЧЖ	10 000 000
42	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани “Қипчоқсув” ҚФЙ Маданият кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111563	"Megatekinjiniring" МЧЖ	5 500 000
43	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани “Қипчоқсув” ҚФЙ Солин кўчаси 0,7 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111559	"Megatekinjiniring" МЧЖ	7 000 000
44	Жиззах вилояти Фаллаорол тумани “Қипчоқсув” ҚФЙ Тўшбулоқ қишлоғи 1-кўчасида 0,8 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№111556	"Megatekinjiniring" МЧЖ	8 000 000
45	Жиззах вилояти Пахакор тумани “Буюк ипак йўли” МФЙ Боғдон кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№112199	"Yo'l-loyihabyurosi" МЧЖ	4 600 000
46	Жиззах вилояти Пахакор тумани “Мингчинор” МФЙ Н.Қудратов кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№112190	"Yo'l-loyihabyurosi" МЧЖ	4 600 000
47	Жиззах вилояти Пахакор тумани “Олмазор” МФЙ Олмалий кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№112076	"Yo'l-loyihabyurosi" МЧЖ	4 600 000

48	Жиззах вилояти Пахакор тумани “Олмазор” МФЙ Фузилий кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111891	"Yo'l- loyihabyurosi" МЧЖ	4 600 000
49	Жиззах вилояти Пахакор тумани “Оқбулоқ” МФЙ Пахтачи қишлоғи 0,5 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111725	"Yo'l- loyihabyurosi" МЧЖ	4 600 000
50	Жиззах вилояти Пахакор тумани “Оқбулоқ” МФЙ Ёшлик кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111867	"Yo'l- loyihabyurosi" МЧЖ	4 600 000
51	Жиззах вилояти Пахакор тумани “Ғалаба” МФЙ Юсуф Хос Хожиб кўчаси 0,5 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№112218	"Yo'l- loyihabyurosi" МЧЖ	4 600 000
52	Жиззах вилояти Янгиобод тумани “Баландчақир” МФЙ Варқин кўчаси 1,5 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№112422	"Yo'l- loyihabyurosi" МЧЖ	12 800 000
53	Жиззах вилояти Янгиобод тумани “Шодлик” МФЙ Фидокорлар кўчаси 2,2 км цемент-бетон қопламали ички йўлларни қуриш	№112367	"Yo'l- loyihabyurosi" МЧЖ	18 600 000
54	Жиззах вилояти Янгиобод тумани “Шодлик” МФЙ Чимқўрғон кўчаси 1,3 км цемент-бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№112409	"Yo'l- loyihabyurosi" МЧЖ	11 200000
55	Жиззах вилоятиДўстлик тумани “Наврўз” МФЙ Бархаёт кўчасини 0,6 км цемент- бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№111605	"Polaris loyiha”МЧЖ	9 000 000
56	Жиззах вилоятиДўстлик тумани “Олтин водий” МФЙ Саид Аҳмад кўчасини 0,6 км цемент-бетон қопламалиички йўлларни қуриш	№111598	"Polaris loyiha”МЧЖ	9 021 060
57	Жиззах вилоятиДўстлик тумани “Ғ.Фулом” МФЙ А.Икромов кўчасини 0,5 км цемент- бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№114706	"Loyiha struktura”МЧЖ	8 800 000
58	Жиззах вилоятиДўстлик тумани “Ғ.Фулом” МФЙ Ясавий кўчасини 0,5 км цемент- бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№114688	"Loyiha struktura”МЧЖ	7 900 000
59	Жиззах вилоятиФориш тумани “Боғдон” МФЙ Фарход кўчасини 0,7 км цемент- бетон қопламали ичкийўлларни қуриш	№114794	"Loyiha struktura”МЧЖ	12 000 000

Комиссия котиби томонидан 59 та объектга лойиха ташкилотини танлаш бўйича ўтказилган танлов савдолари юзасидан 2 иш куни мобайнида комиссия аъзоларига ҳеч қандай шикоят келиб тушмаганлиги тўғрисида ахбороти ўқиб эшиттирилди.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб ва ўрганиб чиққан ҳолда, танлов комиссияси

Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги ПҚ-249-сонли “Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “Манзилли дастури”га киритилган объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “Etender.uzex.uz” электрон портали орқали аниқланган 59 та объект бўйича 3 иш кун ичида буюртмачи ва ғолиб лойиҳа ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Йиғилиш баёни тўғри тузилган деб имзо қўювчилар:


А.Субханов



А.Тўхташев



О.Очилов



Ж.Ҳасанов



Комиссия котиби:

М.Алиев

